

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МООС ЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Нодир Назимджанович Хикматов

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Математика ва умумқисодий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7444804>

Аннотация. Ўзбекистон шароитида кредит тизимига ўтиш муносабати билан мустақил таълимга катта эътибор берилмоқда. Кредит тизимнинг асосини мустақил таълим ташкил қилганни сабабли, мақоламизда мустақил иш шакллари, уларни ташкил қилиш усуллари ҳақида гап боради. Бундан ташқари МООС ларга таъриф берилган. Шу билан бир қаторда мустақил таълимни самарадорлигини оширишда МООС лардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: мустақил таълим, кредит, онлайн, МООС, интернет

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МООС ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ

Аннотация. В условиях Узбекистана в связи с переходом на кредитную систему большое внимание уделяется самостоятельному обучению. Поскольку самостоятельное обучение составляет основу кредитной системы, в нашей статье речь идет о формах самостоятельной работы и методах их организации. Кроме того, данно определения системы МООС. А также, показаны пути использования МООС для повышения эффективности самостоятельного обучения.

Ключевые слова: самостоятельное образование, кредит, онлайн, МООС, интернет.

USING MOOCS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF INDEPENDENT LEARNING

Abstract. In the conditions of Uzbekistan, in connection with the transition to a credit system, much attention is paid to self-study. Since self-study is the basis of the credit system, in our article we are talking about the forms of self-study and methods of their organization. In addition, the definitions of the MOOC system are given. And also, ways of using MOOCs to increase the effectiveness of independent learning are shown.

Keywords: self-education, credit, online, MOOC, internet.

Олий таълимнинг бугунги кундаги асосий мақсади замонавий, ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Таълимни ислоҳ қилишдан асосий кўзланган мақсад ўз фикрига эга бўлган, қўйилган ҳар қандай муаммога ечим топа оладиган замонавий ва тез ўзгарувчан дунёга мослашувчи кадрларни етказиб бериш ҳисобланади. Бунда мустақил маълумот топиш, ўз фикрига эга бўлиш каби жиҳатларга катта эътибор қаратилади. Таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни каттадир.

Ҳозирда Ўзбекистон таълим тизимида кредит модули тушунчаси кириб келган. Барча олий таълим юртлирида босқичма – босқич кредит модули тизимида ўтиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу тизимнинг асосий жиҳати таълим мустақил равишда олинишидир. Кредит модули тизимининг бу жиҳати мустақил таълим соатларини ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мустақил таълимни ташкил қилишга бошқача қарашларни тақазо қилади. Таълим олувчи мустақил ишни бажаришда сифатига эътибор

бериши ва ўқитувчи мустақил иш мавзуларини долзарб, замонавий мавзулар танланишига эътибор қаратиш керак.

Педагогикада талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш муаммоси янгилик эмас. Биринчи марта бу муаммога XX асрнинг 20-30-йиллари охирида эътибор қаратилди, шу билан бирга уларнинг когнитив фаоллигини тавсифловчи муҳим аломатлар аниқланди. 1930-йилларда назарий тадқиқотлар мустақил ишларни бажариш усулларини аниқлашга ва бу тушунчанинг моҳиятини илмий тушунишга қаратилди. 1940-йилларнинг бошларида ўқитувчиларнинг тадқиқотлари (Э. Я. Голант, Р. М. Миккелсон) мустақил ишнинг хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг турли билим объектлари билан ишлашлари ва турли хил билим манбаларидан фойдаланишларидаги фикрлаш операцияларини ҳисобга оладиган мустақил иш тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишди.

Ҳозирги кунда ҳам бу муаммо ўзининг актуаллигини ёқотмаган. Ҳар бир таълим берувчи мустақил таълимни ташкил қилишни тури усулларини қўллайди. Лекин, шуни ҳисобга олиш керак мустақил ишларни ташкил қилишда турли факторлар мавжуд ва улар билан ҳисоблашиш шарт. Мустақил ишлар таълим олувчининг бир ёки бир нечта малака ва кўникаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин.

Таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилиши, таълим олувчиларда мустақил фикр ва ижодий фикрни ривожлантириш масаласи таълимнинг долзарб вазифаларидан биридир. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таълим маълум билим, кўникма ва малакалар ҳамда тажрибалар захираси асосида амалга ошади. Ўқув фанларини чуқур ва пухта ўзлаштириш, таълим ва инновацион ёндашувлар асосида ахборотларни мустақил излаб топиш, уни атрофлича таҳлил эта олиш, илмий-ижодий тафаккурни бойитиш, ўқув-билув жараёнидаги савол-жавоб ва баҳс-мунозараларда фаол қатнашиш, ўз фикр-мулоҳазасини асосли далиллар билан баён қилиш ҳамда уни ҳимоя эта олиш қобилияти ҳар бир талаба – бўлажак мутахассис олида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Мустақил таълимнинг асосий мақсади талабанинг мустақил фикрлашга ўргатиш. Мустақил таълим талабанинг асосан дарсдан сўнги фаолиятини таъминлашга қаратилган бўлади. Бунда ҳар бир талаба ўзига берилган вазифани мустақил, ижодий ёндашган ҳолда бажаради. Чет эл университетларида асосий урғу талабанинг мустақил таълим олишига қаратилган, бу эса ўз навбатида таълим олувчининг ўз соҳаси бўйича қўшимча билим ва кўникмаларни эгаллашига туртки бўлади.

Мустақил ишни таълим олувчига берганда уни қизиқишлари ва фанни ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш керак. Бериладиган мустақил иш мавзулари бир хил бўлиб қолмаслиги, иложи борича замонавий мавзулар танланишига эътибор бериш лозим.

Мустақил иш мавзуларини идожи борича ўтилаётган фан мавзулари ичидан ташқаридаги мавзу бўйича беришга эътибор қаратиш керак. Шунда, талаба фақат битта мавзу доирасида чекланиб қолмай, шу мавзу бўйича қўшимча билимларга эга бўлади.

Кредит тизимида шуни ҳисобга олиш керак, мустақил ишлар 2 ҳил кўринишда бўлади:

- 1) Ўқитувчи билан биргаликда бажариладиган.

2) Бевосита ўқитувчининг иштрокисиз бажариладиган мустақил ишлар.

Бу мустақил ишларни бажаришда биз замонавий технологияларда фойдаланишимиз мумкин. Айниқса, Интернетнинг ривожланиши мустақил ишларни ташкил қилишга янгича ёндашув ва қарашларни келтириб чиқарди. Бугунги кунда мустақил ишларни бажаришда Интернетнинг турли хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Мустақил таълимни ташкил қилишда МООС лардан фойдаланиш, мустақил таълимнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Онлайн курс онлайн таълимнинг жадал ривожланаётган элементи бўлиб, таълим хизматлари истеъмолчилари орасида катта талабга эга. Умуман онлайн таълим каби курслар давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва йирик компаниялар ва етакчи университетлар томонидан молиялаштирилади.

“Massive Open Online Courses (MOOCs) – бу Интернетдаги таълим платформасида жойлаштирилган ва кўп сонли талабалар учун мўлжалланган электрон ўқув курслари” [1]. Келинг, қисқартмани очишга ўтамиз. Оммавий - кенгайтирилган аудитория учун воситалар, шу жумладан энг катта конференция залидан каттароқ формат; очик – кириш учун чекловлар йўқ, тингловчининг ёшининг юқори чегараси бўйича чекловлар қўйилмаган, бирон бир худудга бириктирилмаган; онлайн - ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда; курс электрон саҳифада жойлаштирилган структураланган ўқув материалидир.

Тарихга назар солсак МООС лардан фойдаланиш 2010 йилда бошлаган бўлиб, бу курсларнинг асосий мақсади, таълим олиш учун абитуриентларни жалб қилиш ва танлаб олиш мақсадида яратилган. Бу эса ўз навбатида таълимга бўлган янгича қарашларни ривожланишига олиб келган.

Бу таълим турининг асосий қиймати таълим олувчилар муттахассис ёки оддий фойдаланувчи бўлиши мумкин. Яъни, МООС лардан фойдаланганда таълим олувчининг даражаси муҳим эмас, ундан ҳамма бир хил фойдаланиш имкониятига эга. Иккинчи томондан МООС лар онлайн ва турли қурилмалар ёрдамида ўқитиш имкониятини беради, бу эса уларнинг қийматини янада оширади.

Америка университетлари томонидан очилган биринчи оммавий очик онлайн курслар бепул бўлиб, ҳар хил ёшдаги ва кўникма даражасидаги минглаб талабаларни жалб қилди. Курсга рўйхатдан ўтган талабаларнинг ҳаммаси ҳам уни охиригача тугатмаган. Аммо уларнинг ушбу университетга ўқишга кирмоқчи бўлганлар курсни охиригача тамомлаб, онлайн курсни тамомлаганлик тўғрисида сертификат олиш ва университетда ўқишни давом эттиришга ундадилар. Биринчи ва етакчи Соурсера ресурсларидан бирининг шиорига кўра, курс талабалари нафақат улардан ўтишлари, балки “илмий даража олиш”га ҳам эришишлари мумкин. [2]

Бугунги кунда МООС лар таълимнинг энг оммалашган тури бўлиб ҳисобланмоқда. Уларни турли кўринишлари мавжуд. Шартли равишда уларни текин ва пулли курсларга ажратиш мумкин. Ўзбекистон шароитида ҳам ҳозирда турли МООС лар фойдаланиб таълим олиш имконияти мавжуд.

Шуни таъкидлаш, жоиз баъзи МООС лар фойдаланувчиларга қисқа муддатли курсларни таклиф қиладилар, бу эса улардан мустақил таълим учун бемалол фойдаланиш мумкин дегани. Шуни, ҳисобга олиш керак, бугунги кунда таълим муассасаларида кредит тизимнинг асосий соатлари мустақил таълимга ажратилган.

Мустақил таълимни ташкил қилганда, таълим олувчиларни сонини ҳам ҳисобга олиш керак. Баъзи, дарслар катта гуруҳлар учун ташкил қилинади, бу эса мустақил таълим учун ноқулайлик туғдиради. Таълим берувчи мавзунини сўраш учун 1 ёки 2 та дарс камлик қилади, қўшимча вақт керак бўлади. Агар биз бундай катта гуруҳларда МООС лардан фойдаланиб мустақил таълимни ташкил қилсак, вақт ҳисобидан анча тежашимиз мумкин.

МООС лардан биз ҳамма фанлар учун фойдаланишимиз мумкин. Бугунги кунда МООС ларни энг машҳурлари булар Coursera, Edx, Udacity, Alison лардир. Бу курсларда биз барча фанлар бўйича керакли курсларни топишимиз ва таълим олувчиларга беришимиз мумкин. Айниқса, Coursera сайтида биз бир кунлик курсларни мустақил ўзлаштириш учун вазифа қилиб беришимиз имконияти мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоиз, мустақил таълим жараёнида таълим олувчидан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш керак. Бунда МООС ларнинг ўрни беқиёсдир. Таълим олувчи МООС ларни ўрганиш жараёнида кўплаб Интернет хизматлари ва ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, бу эса ўз навбатида унинг ахборот билан ишлаш ва керакли маълумотларни топа олиш қобилиятини шакллантиради.

МООС ларнинг яна бир хусусияти бу уларнинг кичик модуллардан тузилишидир. Таълим олувчи бу модулларни кетма – кет ўрганиши мумкин. Бу эса мавзунини янада тушунарли бўлишига олиб келади. Хар бир МООС ни охирида бериладиган топшириқлар мавзунини қанчаллик ўзлаштирилганлик даражасини билиш имкониятини беради. Таълим берувчи шунга қараб, мавзу бўйича қўшимча топшириқлар бериши, мавзунини қайта тушунтириб бериши мумкин. Бу эса ўз навбатида вақтни тежалишига олиб келади.

МООС лардан фойдаланиш иқтисодий томондан ҳам фойда келтиради. Масалан, талаба курсни ўз уйдан турган ҳолда ҳам ўзлаштириши мумкин. Бунда, унинг йўлга кетадиган сарф – харажатлари тежалани, таълим муассаси эса аудитория учун сарф – харажатларни камайтириши имкониятига эга бўлади.

Шуни таъкидлаш жоиз, МООС лардан фойдаланиш мустақил таълимнинг қизиқарли бўлиши ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Таълим олувчилар фақат ўзларига керакли курсларни ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Баъзан, таълим олувчилар учун бир нечта МООС ларни курсларини солиштириш вазифасини ҳам мустақил таълим кўринишида вазифа қилиб бериш мумкин. Бунда, таълим олувчи МООС ларни курсларини ўзаро солиштиради ва ўзига мос келганини ўзлаштиради. Бу ўз навбатида уларни ўзлари учун керак бўлган кўникма ва малакаларни эгаллашга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш мумкин, пандемия шароитида онлайн курслар оммалашди, инсоният карантин чекловлари даврида онлайн ўқиш, ишлаш режимига ўтилди. Барча масофадан туриб ишлаш ва ўқишга мослашдилар. Таълимни масофадан туриб олишга қизиқиш бир неча баробар ортди. Бу эса ўз навбатида МООС ларга бўлган эҳтиёжни ортишига олиб келди.

Айниқса, МООС лар ишлаб таълим олувчилар учун анча қулайликлар яратиб беради. Улар ўз малака ва кўникмаларини ишдан ажралмаган ҳолда ошириш имкониятини яратади.

Мустақил таълимни ташкил қилишда МООС лардан фойдаланиш бу давр талаби десак адашмаймиз. Таълим олувчиларни мустақил ишлашга ўргатмоқчи бўлсак МООС

лардан фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқишимиз ва уни мустақил таълимни ташкил қилишда фойдаланишимиз керак.

Ўзбекистон шароитида онлайн таълим, яъни масофавий таълим энди ривожланиб, қонуний жиҳатдан фойдаланишга имконият берилди. Лекин, ҳали МООС лардан фойдаланиш ҳуқуқий нормалар асосида кўрсатиб берилмаган.

Агар биз МООС лардан таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлсак, улар берадиган сертификатларни ҳуқуқий жиҳатдан қабул қилиш имкониятини яратишимиз керак. Бу эса ўз навбатида, бу курслардан фойдаланувчиларни сонини янада ошишига олиб келади.

МООС лардан мустақил таълим жараёнида фойдаланишда яна бир жиҳатга эътибор қаратишимиз муҳим ҳисобланади. Ҳар бир таълим олувчининг ўқиш тезлиги ва даражаси ҳар – хил бўлиши мумкин. Кимдур шу фан бўйича чуқур билимга эга бўлса, кимдир эса бошланғич билимга эга бўлади. Шу сабабли, курсларни вазифа қилиб бераётганда шу ҳолатга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Шуни ҳисобга олиш керак, бугунги кунда кўплаб онлайн курслар инглиз тилида фаолият олиб боради. Бу эса ўз навбатида таълим олувчиларнинг тил билиш қобилиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим дегани.

Узлуксиз таълимда МООСни ривожлантиришнинг самарали усулларида бири фундаментал билимларга эга бўлишни амалий фаолият билан алмаштиришни таъминлайдиган корпоратив университетларни ташкил этиш деб аташ мумкин. Узлуксиз таълимда МООСни ривожлантириш таълимнинг барча даражаларида самарали таълим мавжудлигини тенглаштириш учун таълим траекторияларини шакллантириш учун шарт-шароитларни ташкил қилиш имконини беради.

МООС бозорида талабни ўрганишнинг истиқболли йўналиши бу курсларнинг оммабоплиги тўғрисидаги платформалар маълумотларини таҳлил қилиш, уларни танлаган тингловчиларнинг портретлари, сертификатларни сотишдан олинган фойда тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, онлайн курслар истеъмолчиларининг потенциал сўровлар натижалари ҳисобланади.

Мустақил таълим жараёнида МООС лардан фойдаланиш бу замонавий технологияларга асосланган, таълимнинг янги кўриниши бўлиб, мустақил таълимни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи воситалар йиғиндисидан иборат.

Шуни айтиш мумкинки, таълимга инновацион ёндашув, янги қарашлар, янги технологияларни қўллаб таълим беришни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон шароитида МООС лардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. МООС лар ёрдамида мустақил таълим ва дарсларни ташкил бу аънанавий ва масофавий таълимни ташкил қилишда муҳим шартлардан бири десак адашмаймиз.

Мустақил таълим жараёнида МООС лардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш бу, таълим олувчиларнинг мустақил ишларни бажаришга бўлган қизиқишларини ортишига олиб келади. Таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмалари ривожланади.

REFERENCES

1. Dhawal Shah. The Second Year of The MOOC: A Review of MOOC Stats and Trends in 2020. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.classcentral.com/report/the-second-year-of-the-mooc/>
2. Coursera. URL: <https://ru.coursera.org>
3. Khusyainov T.M. The main characteristics of massive open online courses (MOOC) as an educational technology // Science. Thought: an electronic periodical journal. - 2015. - N2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-harakteristiki-massovyh-otkrytyh-onlayn-kursov-mooc-kak-obrazovatelnoy-tehnologii>.
4. Семенова Т.В., Вилкова К.А. Типы интеграции массовых открытых онлайн-курсов // Университетское управление: практика и анализ. 2017. Т. 21. № 6. С. 114-126. EDN: YOCSTD
5. Hollands F.M., Tirthali D. MOOCs: Expectations and Reality. Columbia University: Teachers College, 2014. 210 p.
6. М.Баракаев ва бошқалар. Мустақил таълимни ташкил этиш методикаси. Ўқув – услубий қўлланма. Т., “Истиқлол нури”. 2017 йил